

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 йил чиқиши

№ 240 (4231)

5
ДЕКАБРЬ

ЖУМА

1969 йил

Баҳоси 2 тийин

ИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Бугун — бепоён ва қўпмиллатли Советлар дёрида яна бир катта шодона. Социалистик Ватанимиз халқлари бах ва иқболнинг қўлини СССР Конституцияси кўнини ўттиз унчинчи мартаба байрам қилмоқдалар.

1936 йилининг 5 декабрида, Советларнинг Бутуниттифок факултетида VIII курултойида дунёда биринчи социалистик мамлакат — Совет Иттифоқининг янги Конституцияси қабул қилинди. Ҳозир амалда бўлган бу Конституция эркин ва ҳур замон учун боболар олиб борган машаққатли кураш, тўқилган муқаддас қон эвазига қўлга киритилган буюк ғалаба — социализм ғалабасининг яқини эди. У чинакам демократик асосларда ташкил топган меҳнаткаш халқ давлатининг ҳаёт қўли бўлиб қолди. Башарият доҳийси Владимир Ильич Лениннинг: «Пролетар демократияси ҳар қандай буржуа демократиясидан миллион мартаба демократикроқдир; Совет ҳокимияти энг демократик буржуа республикасида миллион мартаба демократикроқдир», — деб айтган программ сўзлари СССР Конституциясининг мағзи-мағзига синиб кетган.

Дарҳақиқат, Совет ҳокимиятининг ярим асрлик таърибаси доҳийнинг бу таърифи нақадар ҳаётини ва ҳаққонлигини тасдиқлаётганлиги тасдиқлаётганлиги. Пролетар революцияси капиталистик тузумнинг иккинчи негизини ишлаб чиқариш воситаларига бўлган ҳусусий мулкчиликни тағ-томлари билан йўқотди. Меҳнаткашларнинг ишсизлик, қашшоқлик, миллий аъул балосидан абалий озод этиб, юксалиш, тарақиёт сари мунаввар йўл очиб берди. Халқ ҳокимияти йилларида мамлакатимизнинг экономика ва маданиятини ривожлантиришда эришган нисбатсиз ютуқларини, социалистик демократиянинг бутун раънақи ҳажонга маълум.

Буржуа давлатларидан фарқ қилароқ, социализм демократия ва эркинликни оғизда эмас,

амалда таъминлайди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳақ-хуқуқларини — меҳнат қилиш ва дам олиш, бепул ўқиш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш, қаринда ёки касал бўлиб қолганда давлат нафасас билан таъминланиш, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги, сайлаш ва сайланиш сингари қатор ҳуқуқлар, шу билан бирга совет граждандарининг Ватан олдидаги бурчлари қонуни билан мустаҳкамланган.

«СССР да бутун ҳокимият меҳнаткашларники!» деган шир Конституцияимизнинг олий ширидир. В. И. Ленин социалистик демократиямизнинг маъмуни ва маъноси ҳокимиятнинг

да, Еттинчи қаққирқ СССР Олий Совети составида 1517 депутат бўлиб, улар орасида 404 ишчи ва 294 колхозчи бор. Иттифок парламентига сайланган депутатлар барча миллат ва эзлатларнинг вакиллари.

Совет тузуми, СССР Конституцияси халққа тенгсиз ҳуқуқлар берди. Нисонини уттизлади, эълозлади, уни ўз таълирининг, давлатининг ҳўжайини қилди. Бизда ҳар бир совет граждандарни миллат, irqда мансублиги, жинсидан қатъий назар, ўларо тенг ҳуқуқлидир, қомусномада битилган ҳуқуқлардан ҳамма бирдай баҳраманддир. Бу — ҳаммага аён.

Демократия сўзининг байроқ қилиб юрган буржуа давлатла-

дан баҳра олиб, бир авлод умридан ҳам қисқа давр ичда феодализм қолоқлигини социалистик раънақ томон буюк сараш қилдилар. Серқуёш республикамизнинг саноати, қишлоқ ҳўжаллиги, фани, маданияти бениҳоя юксалди, доврўғимиз оламга таралди. Бугунги ўзбекининг қувонса, кўз-кўз қилса арангудек буюк муваффақиятлари бор, унинг коммунистлик мўл-кўлчилик дастуринида ўз ҳиссаси, катта йиғиларда ўз овози, жаҳон бозорда харидорбоп моли бор. Улуғ Октябрь кўшидан кўр элган ўзбеклар дўри Ленинга миллий сисат тантанаси туфайли Шарқда социализм машъали бўлиб қолди, унинг тарақиёт йўли, тарихий таърибаси уйғонган Осиё ва Африка халқлари учун зўр илҳомбахш намунадир.

Бу йил совет кишилари Конституция кўнини тарихий кўнларда — бутун прогрессива инсоният улуғ Ленин туғилган кўнининг 100 йиллигига қизғин тарадуд кўраётган бир шароитда нишонламоқдалар. Муборақ ном — янги дунё раъми бўлиб қолган Лениннинг юз йиллик тўйи олдида мамлакатимиз халқлари ўз меҳнат ва сисий активликларини ҳар қачонгидан ошириб, коммунистик қурилишнинг ҳамма жаҳаларида қарамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Иттифокимизда, шунингдек республикамизда юбилейли умулхалқ социалистик мусобақаси тобора авж олмоқда. «Од олтин» ўлкасининг ийришқорлари 4 миллион 100 минг тонналик юбилей хирмонини кўтариш учун пахта фронтда тенгсиз жасорат кўрсатишмоқда.

Бутун совет халқи, шу қаторда областимиз меҳнат аҳли ҳам СССР Конституциясида муҳраб қўйилган ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англаган ҳолда партия XXIII съезди қарорларини ҳаётга таъбиқ этиш, беш йиллик план топириқларини муваффақиятли удалаш учун бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Б У Г У Н — С С С Р КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

халқ билан мустаҳкам алоқадалигида, меҳнаткашлар кенг оммасининг мамлакатни бошқариш, ҳўжалик қурилиши ва жамоат ишларидаги иштирокидандир, деб ҳисоблар эди. Ана шу таъминоти дастуриламал деб битилган Коммунистик партия социалистик демократияни ривожлантиришда давлатимизнинг халқчилик қарактерига алоҳида эътибор бериб, меҳнаткашларнинг ҳокимият ишларида кенг иштирокини таъминламоқда.

КПСС Программасида: «Социалистик демократияни ҳар томонлама кенгайтириш ва такомиллаштириш, барча граждандарнинг давлатни бошқаришда, ҳўжалик ва маданий қурилишда раҳбарлик қилишда актив иштирок этиши, давлат аппарати ишини ахшилаш ва унинг фаолияти устидан халқ контролини кучайтириш — коммунизм қуриш даврида социалистик давлат тараққиётининг асосий йўналиши ана шулардир», деб ёзиб қўйилган. Бу сўзлар амалда ўз ифодасини томон-

рида бунинг аксини қурамаиз. Япониядаги жуа қўп фирмаларда аёллар 25 йилдан ошгандан кўнлардан-тўғри ишдан бўлишга юборилди. Англияда эса хотин-қизларнинг ўртача маоши эркаклар иш ҳақининг ярмига тўғри келади.

«Ҳамма нарсаси инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» — деган олий принцинга амал қилаётган Коммунистик партия ва ҳўкуматимиз совет кишиларининг турмуш даражасини ахшилаш, фаровонлигини ўстириш йўлида тинмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Беш йилликнинг дастлабки уч йилда мамлакатимизнинг истеъмол фонди анча ўсди, аҳоли жон бошига реал даромад 20 процент, ўртача иш ҳақи 16 процент, колхозчиларнинг жамоат ҳўжалигидан олган даромадлари 30 процент кўпайди.

Иттифокимиздаги озод ва тенг ҳуқуқли халқлар оиласининг бир аъзоси сифатида Совет Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам янги тузум афзалликлари ва чинакам Демократия мевадари-

● Бўка, Бекобод ва ўртачирчиқликлар, бутун имкониятларни ишга солиб, йиғим-теримда суръатга-суръат қўшинг! ● Пахта далаларида меҳнат қилаётган кучлардан тўғри, ишнинг кўзини билиб фойдаланайлик, меҳнат унумдорлигининг юксак бўлишига эришайлик! ● Сўнгги марраларни эгаллаш учун ҳамма далага — ҳал қилувчи курашга!

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ПАРТИЯ ВА ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

1969 йил 3 декабрь кўни Москвада Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республика-

ри Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси раҳбар партия ва давлат арбобларининг кенгаши бошланди. Кенгаида шу давлатларнинг ҳаммасини қизқитирувчи халқаро масалалар ишчиллик, ўртоқлик вазиётида муҳоама қилинмоқда.

«ПОБЕДА» МАРРАГА ЕТДИ

Бекобод районидagi «Победа» колхоз пахтакорлари маррага етдилар. 1560 гектар ерининг ҳар гектаридан 20 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Давлат оморларига 3200 тоннага яқин пахта етказиб берилди. Пахта тайёрлов пунктларига етказиб берилган махсуслотнинг кўп қисми юқори сортларга топириқди.

Раҳмонкул Бозорбоев бошлиқ 1-участка пахтакорлари колхознинг «оқ олтин» хирмонига катта ҳисса қўшдилар. Ҳўжаликда биринчи бўлиб маррага етган бу участка деҳқонлари 260 гектар ерининг ҳар гектаридан 22 центнердан ошириб хирмон кўтардилар. Колхознинг Қўшбоқ Эгамбер-

диев, Мавлон Маматқулов, Бегмон Назарқулов бошлиқ звеноларида ҳозирга қадар ҳар гектар ердан олинган ҳосил 25 центнердан ошиб кетди. Фотима Имонқулова, Ҳасан Сувоққулов, Раҳима Турдиқулова каби теримчилар эл хирмонига 7—8 тоннадан пахта териб тўқдилар.

Колхоз пахтакорлари ҳар гектар ердан 4 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 24 центнерга етказишга қарор қилиб, шу кеча-кўнудда ҳам йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

К. БЕГМОНОВ,
Н. АЮБЖОНОВ.

ИЛҒОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП област комитети ва област ижроия комитети колхозлар ва совхозлар ўртасида жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан 1969 йилнинг тўққиз ойи якуларининг кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Област партия комитети ва област ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидagi «Ўзбекистон» 40 йиллиги колхозига (раис Мирзаев, партия ташкилотининг секретари Сандов, комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи Юсупов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз 1969 йилнинг тўққиз ойи давомида чорвачиликни ривожлантиришда энг юқори кўрсаткичларга эришган. Ийрик шохли моллар туғгани кўпайтириш планини 105,1, ситгилар бўйича белгиланган планини 104

процент, гўшт етиштириш ни 105 процент, сут соғиб олишни 75,2 процент, давлатга гўшт топириш йиллик планини 131,1 процент, сут тайёрлашни 78,3 процент бажарган. Тўққиз ой давомида ҳар бир ситгилар 2330 килограммдан сут соғиб олинган. Дағал етхашак тайёрлаш плани 132 процент, сисос бостириш 114 процент адо этилган.

Кўчма Қизил байроқ Оқўрғон районидagi Свердлов номи колхоздан олиб берилди.

Област партия комитети ва област ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Бўка районидagi «Бўка» совхозига (директори Живодеров, партия ташкилотининг секретари Ким, ишчилар комитетининг раиси Бузукбоев, бош зоотехник Купцов ўртоқлар) берилди. Бу совхоз тўққиз ой давомида

ийрик шохли моллар бўйича белгиланган планини 89,6 процент, ситгилар бўйича белгиланган планини 100,4 процент, давлатга гўшт етказиб бериш планини 68,7 процент, сут бўйича белгиланган планини 74,5 процент бажарган. Давлатга гўшт етказиб бериш йиллик планини 71,2 процент, сут планини 79,5 процент адо этган. Тўққиз ой давомида ҳар бир ситгилар 1231 килограммдан сут соғиб олинган. Дағал етхашак тайёрлаш планини 106, сисос бостириш 102,6 процент бажарилган.

Кўчма Қизил байроқ Калинин районидagi «Дамачи» совхозидан олиб берилди. Оқўрғон районидagi Ленин номи колхоз, Калинин районидagi «Дамачи» совхозларида ҳам чорвачиликни ривожлантириш соҳасида яқин натижага эришилганлиги қайд қилинди.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
4 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — масвум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — масвум бошидан бўв машинада терилгани.

ОҚЎРҒОН	0,34	103,62	00,4	75,83
ЯНГИЙЎЛ	0,19	102,02	—	52,12
Оржоникидзе	1,00	98,61	—	47,50
Юқори Чирчиқ	0,59	91,10	—	64,63
Ўрта Чирчиқ	0,74	86,97	—	48,91
Бекобод	1,02	78,92	00,5	33,14
Бўка	1,06	76,67	—	34,87
Област бўйича	0,66	90,36	00,2	51,67

тонна уғун

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 4 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — масвум бошидан бери.

Калинин	2,2	94,8	Янгийўл	3,9	31,0
Бўстонлиқ	1,6	84,0	Ўрта Чирчиқ	2,4	28,1
Оржоникидзе	—	82,8	Бўка	3,9	22,0
Юқори Чирчиқ	1,1	54,0	Бекобод	0,5	10,2
Оқўрғон	2,2	35,1	Област бўйича	2,4	35,0



Бекобод районидagi «Победа» колхоз аъзолари даладаги ҳосилнинг сўнгги граммларини ҳам нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишяпти. Суратда: (Чапда) кўрак чувиш машинасидан пахта чиқариш ширини Н. Аюбжонов фотолари.



БУГҮН—СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КҮНИ

БАХТНОМА

Асрларга қўяр пойдевор,
Қўтлуғ китоб, у—
Бахтномамиз.
Равнақ топиб ундан ҳур дилер
Нурга тулар ҳар бир
Тоғдек равшан фикр,
Ҳақиқат,
Қўлимизда мўтабаб китоб.

Шарафига янграб қуйимиз,
Қалб тўрида ўчмас у офтоб.
Ундан элим камол топади,
Бахтим дея, олади қўлга.
Бўду сочиб унга Октябрь,
Бошлар элим нурафшон
Йўлга.

Арофат НОСИРОВА.

121-модда. СССР ГРАЖДАНЛАРИ ИЛМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИРЛАР.



В. И. ЛЕНИН номидаги Тошкент Давлат университетининг факультетлари ўз ўқини залларига эга. Улар ҳамма зарур адабиётлар, ўқув қуроллари билан таъминланган. Суратда: физика факультетининг қироатхонасида.

В. Сироткин фотоси.

118-модда. СССР ГРАЖДАНЛАРИ МЕХНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИРЛАР.

ИСМОИЛ МУСАЕВ — Янгийўла районидаги Ленин номидаги колхознинг илгори механикаси. У пахта йиғим-теримида актив қатнашиб, териб олинган «оқ олтин» дурдоналарини пешма-пеш тайёрлов пунктларида ташиб бermoқда. Суратда: (юқорида) ўртоқ И. Мусаев.

Ж. Раззоқов фотоси.

122-модда. СССРДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҲУЖАЛИК ВА ДАВЛАТ ХАЕТИНИНГ, МАДАНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ХАЕТИНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА ЭРКАКЛАР БИЛАН ТЕНГ ҲУҚУҚ БЕРИЛАДИ.



ТОШКЕНТДАГИ трикотаж фабрикасининг йиғирувчиси Муаттар Мусаева беш йиллик топириқларини барвақт адо этиш учун бошланган умумхалқ соҳа-сиёсий мусобақасида олдинги сафда бормoқда. Моҳир йиғирувчи кунлик нормасини 110—120 процентдан бажаряпти. Суратда: Муаттар Мусаева иш устида.

А. Тўраев фотоси.

БАХТНОМУСИ

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ТАНТАНАСИ

Совет халқи ҳар йили 5 декабрда умумхалқ байрами — СССР Конституцияси кунини кенг нишонлайди.

Бу йилги байрам совет кишиларининг сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги ошган, КПСС XXIII съезд ҳамда Марказий Комитет пленумларининг қарорларини ҳаёtgа тadbик этиш, дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси тобора авж олиб бораётган ажойиб тарихий кунларда ўтмоқда.

Мамлакатимизда Октябрь революцияси галаба қозонганига ярим асрдан сал ортмиқ вақт бўлди. Чинакам халқ ҳокимияти — демократик асосларда ташкил топган ҳокимиятимизнинг шу давр ичида босиб ўтган тарихий йўли Совет Конституциясининг давлат ва жамиятимизни ривожлантириш, социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида улкан вазифаларни ҳал этишдаги буюк ролини эркин кўрсатиб турибди.

Совет Конституцияси — давлатимизнинг Асосий Қонуни, бутун Совет қонуналигининг ҳуқуқий базаси, давлат аппарати фаолиятининг асоси. 1936 йили қабул қилинган бу Конституцияда социализм галабаси қонуни билан мустақимланган. У социалистик жамиятни — янада тарққий элтириш, коммунизм тоғларининг тантамаси учун курашда меҳнатқилларнинг улғу байроғи бўлиб хизмат қилмоқда. Негаки, ана шу бахт китобида дунёда биринчи бўлиб социалистик жамият қурган совет халқларининг ҳуқуқ ва бурчлари қамқалиб қўйилди. СССРда бутун ҳокимият шаҳар ва қишлоқ меҳнатқиллариники бўлиб, у меҳнатқиллар депутатларининг Советлари орқали бошқарилиши кўрсатиб ўтилди.

Коммунистик партиянинг давлатни бошқаришдаги раҳбарлик роли Совет Конституциясининг энг муҳим принципларидан биридир.

Ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг социалистик мулкчилиги, унга СССРнинг иқтисодий социалистик системаси таъху ҳукмронлиқ қилиши, миллатларнинг эркин ривожланиши, халқларнинг тенг ҳуқуқчилиги, уларнинг дўстлиги ва бир-бирига ўзаро ердан бериши, Совет Федерацияси ва автономияси асосларида ягона Иттифок давлатига ихтиёрий бирилашуви, чинакам социалистик демократизми СССР Конституциясининг энг муҳим принципларидан ҳисобланади.

Конституция граждaнларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларни реаллигини қамқалиб, уларнинг мамлакатнинг давлат, ижтимоий-маданият ҳа-

тийинг барча соҳаларида актив қатнашуларини таъминлайди. Совет Конституцияси меҳнатқиллар томонидан яратилган ҳамма нерса халқ манфаатлари учун хизмат қилишга қаратилган социалистик гуманизмнинг акс этиради. Бу — халқнинг ўзи мамлакатининг тўлақонли ҳўжайини ҳисобланганлиги учун ҳам реал воқелиқдир.

Конституцияга кўра, бизда ҳар бир киши меҳнат қилиш, дам олиш, ўқиш, қарилликда ва касал бўлиб қолганда моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадир.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи асрлар оша авлодлар учун орау бўлиб келди. Ленин, коммунистик ҳўжалик системаси заминидеги бу ҳуқуқ реаллиққа айланди. Совет граждaнлари ўзлари учун, жамият учун меҳнат қилдилар ва қилган меҳнатлари эвазига унинг миқдори ва сифатига қараб жамият томонидан ҳақ оладилар. Буржуа давлатининг бирортасида ҳам конституция меҳнатқилларга меҳнат қилиш ҳуқуқини қамқалимайдиган, аксинча, унда ўзгалар меҳнатига ҳўжайинлиқ қилиш ҳўжирондир.

СССР Конституциясида бундай дейилади: «СССР граждaнлари қариган чоғда, шунингдек касал бўлган ва меҳнатга ғаросиз бўлиб қолганда моддий таъминот олиш ҳуқуқига эгадирлар». СССР граждaнларининг касал, инвалид бўлиб қолган тақдирда ва қариганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи, давлат ҳисобидан ишни ва хизматларини социал страхование қилишининг кенг ри воқелиқлиги, меҳнатқилларга бепул медицина ердими кўрсатилиши, курорт тармоқларининг халқ ихтиёрига топириб қўйилганлиги — булар барчиси совет кишилари ҳақига Коммунистик партиямиз доимий ғамхўрлигининг ифодасидир. Шўни айтиш керакики, капиталистик мамлакатларда меҳнатга ғаросиз бўлиб қолган ҳодимларнинг маоши сақламийди. Еши анчага бориб қолган ишчи капиталист томонидан ишдан бўшатиб юборилди.

Совет Конституциясида: «СССРда хотин-қизларга ҳўжалик ва давлат ҳаётининг, маданият ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилди», — деб эъзб қўйилган. Бу ҳуқуқлар шўнчаки эъзб қўйилган гаплар эмас, балки улар ишчил амалга ошириб келинмоқда. Совет хотин-қизлари давлатни бошқаришда актив қатнашадилар. Масалан, СССР Олий Совети депутатлари орасида 336 хотин-қиз бўлиб, бу барча капиталистик мамлакатларда парламентларга сайланган хотин-қизлар сонидан анча кўпдир.

Асосий Қонунимизда СССР граждaнларининг демократик ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бир қаторда уларнинг Ватан олдидаги асосий бурчлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Бу бурчлар иттифокдан иборат Совет граждaнларининг Ватан олдидаги энг биринчи бурчи Совет Конституциясини қатъийлик билан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Шўнингдек, совет граждaнлари меҳнат иттифокининг рноя қилишлари, социалистик турмуш қондаларини ҳурмат этишлари, социалистик мулкни ҳар томонлама қўриқлашлари ва мустақимлашлари керак. Социалистик Ватанини ҳимоя қилиш — СССР ҳар бир граждaннинг муқаддас бурчидир.

Конституция берган ҳуқуқлардан баҳраманд бўлаётган Ўзбекистон СССР ҳам Совет ҳокимияти йилларида бошқа иттифокчи республикалар қатори илгирги иқтисодий ва маданият қолоқлиққа барҳам бериб, Иттифокимизнинг илгори индустрияли ва қишлоқ ҳўжаллиги юксалган ўлкасига айланди. Ҳозир республикаимизда саноатнинг юздан ортмиқ тармоғи, мингдан ортмиқ йирик корхонаси бўлиб, уларда ярим миллионга яқин киши меҳнат қилмоқда. Республиканинги яқин саноат маҳсулотини 1924 йил даражасига қараганда 98 марта ўсди.

Ўлкаимизда фан ва маданият мислсиз юксалди. 1915 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясида 17,9 миң киши ўқиган эди. Ҳозирги вақтда мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида 3 миллиондан ортмиқ киши таълим олмоқда. Еки медицина хизматини олиб кўрайлик. Октябрь ишқилиби арафасида Ўзбекистонда 80 врач, 26 та фельдшер, 66 та акушер, 22 тиш доктори, 51 фармацевт бўлган. Эндликда эса фақат Тошкент областининг ўзида 210 касалхона муссафаси мавжуд бўлиб, аҳоли саломатлиги йўлида 5500 дан ортмиқ врач, 18 миңга яқин ўрта маълумотли медицина ҳодими хизмат қилмоқда. Революциядан олдин 50 миң кишига бир врач тўғри келар эди. Энди бир врач 600 кишига хизмат кўрсатишда.

Буларнинг барчаси Коммунистик партиямиз амалга ошираётган энгил тадбирлар, СССР Конституцияси бағлилаб берган ҳуқуқлар, ленинча миллий сивосатнинг тантенаси ҳамда халқимизнинг зўр истеъдоди ва меҳнатсеварлиги тўғайли қўлга киритилётган ютуқлардир. Келажикка қимил ишонч билан боққан совет халқи Ватан бойлигини бундан буюм ҳам қўпайтириш, унинг қудратини ошириш учун партия кўрсатган йўлдан оғимай олға қараб бораверади.

Н. КАПУСТЯНСКИЙ,

юримик фанлари кандидати.

МЕХНАТ ВА ИЗЗАТ

Бу йил бахтимиз қомуси бўлган — СССР Конституцияси кунини пролетариат доҳийси, устоз ва раҳнамо В. И. Ленин таваллуд топган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик қўрилаётган бир пайтда катта зафарлар билан кутиб олимиз.

Совет кишилари СССР Конституциясини таъминлаган дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатлик тўғайли хўжайинлигининг ҳамма соҳаларида катта самалари ютуқларини қўлга киритишмоқда. Партия ва ҳўкуматимиз моддий обилини пратаётган совет кишиларининг билим олишлари, мазмунли дам олишлари, кеңсайганда нафақа билан таъминланганлиги ҳақига оталарча ғамхўрлик қилмоқда.

Биргина пойтахт областимиз шаҳар ва қишлоқларида яшовчи 150 миң 918 киши, жумладан 78 миң 257 киши страхование йўли билан, 561 киши давлат йўли билан шахсий нафақа билан таъминланган. 67 миң 67 кўп болали ва 1931 елгиз оналар давлат томонидан нафақа олиб турнашади.

Партия ва ҳўкуматимиз колхозчиларнинг социал таъминоти насаласига ҳам катта эътибор бериб келмоқда. Ана шў тўғайли ҳам областимиз колхоз ва совхозларида нафақа олувчилар сонин анча кўпайди. Ҳозир 59 миң 160 колхозчи нафақа олиб турибди. Уларга бир ойда тўланадиган маблаг 933 миң 752 сўмини ташкил этади. Шў жумладан, 53 миң 720 киши қариллик нафақаси, 3506 киши эса инвалидлик на-

фақаси олади. Бир ойда қарилар учун жамъи 817 миң 924 сўмлик, инвалидлар учун 74548 сўмлик, боқувчилар қолган 1934 кишига эса 42450 сўмлик нафақа пули берилади. Областимиз бўйича ўтган ярим йил ичида кеңса колхозчилар ва инвалидларга Иттифок марказлашган фондидан 6 миллион 261 миң 387 сўмлик нафақа пули берилиди.

Шўни ҳам айтиш керакики, областимиз колхоз ва совхозларида кўпгина отахонларимиз кеңсалик нафақаси билан таъминланган бўлса ҳам, улар энди «ишчимиз битди», деб кўп навуштириб ўтиришгани йўқ. Сўнгги меҳнатда қотган кеңсаларимиз ҳозир ҳам ёшлар билан елкама-елка туриб умумхалқ ишида қатнашмоқда. Партия ва ҳўкуматимиз ҳурматли оталаримизнинг бу ҳимматини қадрлаб, колхозда яна икки йилгача ишлаб берган кеңсаларининг нафақа пулларини қўпайтириш тадбирларини кўрди. Ўтган олти ой давомида ана шўндай ҳалол меҳнатлари тўғайли 382 кеңсанинги нафақа пули ошириб берилиди.

Жумладан, Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозига яшовчи Маҳкам ота Тошмуҳамедов ларги кеңсаллиги учун 12 сўм нафақа олган бўлса, ҳозир ҳар ойда 43 сўм, Маҳкам ота Юнусов эса 56 сўм нафақа пули олмоқда. Ўрта Чирчиқ районидаги Қўйбашев номи колхозда яшовчи Ғулом ота Қодиров ҳар ойда 60 сўмдан кеңсалик нафақасини олмоқда.

1967 йил 26 сентябрдаги СССР Олий Совети Президи-

умининг «Социал таъминот ишларини янада яхшилаш ҳақига»ги Низомига мувофиқ, инвалидлик нафақаси олувчи колхозчиларнинг пенсиялари ҳам анча оширилди. СССР Министрлар Советининг шў йил апрель ойида чиқарган қарорига асосан, колхозчи аёлларга туғилган олдин ва туғилган кейин нафақа бериш тартиблари анча ўзгартрилди. Эндликда бу нафақаларнинг илгари бўлганидек, социал-таъминот органлари орқали эмас, колхозларнинг ўз фондларидан тўлаш йўлга қўйилди. Бу тадбир нафақа олувчи аёллар учун анча қўлайлиқ туғдириди. Уларга тўланадиган нафақа пули кеңсаллиқ социал-таъминот органлари орқали Иттифок фондидан колхозга қайтариб берилади. Ана шў йўл билан ўтган уч ойда областимиздаги 2968 колхозчи аёлга 277 миң 51 сўм миқдорда нафақа пули тўланди.

Бундан ташқари, бизда Улғу Ватан урушин инвалидлари ҳақига ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Ватан бахт-саодати йўлида жонини фидо қилиб, ногирон бўлиб қайтган инвалидлар енгил машиналар, бепул путёвчалар билан таъминланмоқда. Ҳозир областимизда 162 кишига давлат томонидан бепул автомашина берилган. 316 кишига марказий санаторий ва курортларга бориб дам олиб келиш учун бепул путёвчалар тарқатилди.

Улғу Ватан урушин биринчи группа инвалидлари алоҳида

ғамхўрлик қилинмоқда. Улар район социал таъминот бўлимлари ва колхоз ва совхоз правлениеларининг диққат-эътиборида. Жумладан, Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозига яшовчи Улғу Ватан урушининг инвалиди Холтўра Қўрбоновга давлат маблагини ҳисобдан ҳақиматини уй қуриб берилиди. Олмалик шаҳрида яшовчи Абдукаримовга эса шаҳар коммунал ҳўжаллиги бўлим томонидан қўлайлиқлари бўлган тўрт хонали уй тақдим этилди.

Ҳозирги кунда областимизда иккита инвалидлар уйи ишлаб турибди. Уларда яшаб, иззаат-иром қилинаётган 187 киши давлат ҳисобига боқиб келинмоқда. Шўнингдек инвалидларнинг турли ахтиёжлари учун ўтган тўғри ой ичида 147 миң сўмдан ортмиқ маблаг сарфланди.

Бахтимиз қомуси — Конституциямизда олтин ҳарфлар билан қайд қилинган, партия ва ҳўкуматимиз томонидан кўрсатилаётган бу оталарча ғамхўрликдан ҳурматли кеңсаларимиз гоят миннатдорлар. Меҳнат қилган киши мамлакатимизда шўндай иззаат ва ҳурматга сазовор бўлади.

Ғ. ХУСАНОВ,

Тошкент область социал таъминот бўлимининг му-дари.

119-модда. СССР ГРАЖДАНЛАРИ ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИРЛАР.

ЧОТҚОЛ бағрига жойлашган «Оқтош» санаторийида ҳар йил Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг 2 миңдан ортмиқ ишчи ва хизматчиси дам олиб, даволанади. Суратда: санаторийнинг бадий ҳаваскорлари концерт беришмоқда.

Қ. Роззоқов фотоси, (ЎТАГ фотохроникаси).

ДАВЛАТ — БИЗНИНГ ЎЗИМИЗ

Улғу доҳиймиз В. И. Ленин пойдевор қўйган давлатимизнинг чин демократлиги, халқчилиги ўз ифодасини топиб келмоқда. Бирор маҳалда Совет йўқлиги, унинг иш фаолиятида ҳақиқий меҳнатқил — колхозчи ва завод ишчилари актив қатнашмаган бўлмаслиги. Мен оддий колхозчи аёлман. Область Советининг депутаты си-фатида меҳнатқилларнинг маданият турмуш шароитини яхшилаш, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишларини намунали йўлга қўйиш, мактаб-маориф, худлас аҳоли ман-

фаатига қаратилган муҳим масалаларни ҳал қилишда қатнашиб тураман.

Яқинда биз область Совети иккинчи комитетида нол заводларида чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилаш, корхоналар қувватини ошириш, Ангрен шаҳрида, Янгийўла ва Ўрта Чирчиқ районларида миний хизмат кўрсатиш аҳолини қўриб, тегишли тадбирларни белгилаб чиқдик. Шўнингдек, область колхоз-совхозларида телефон алоқаларини янада яхшилаш, кеңгуси бир-икки йил ичида бирорта ҳам телефон-

лаштирилмаган ҳўжалик бўлмаслигига эришини биз депутатлар олдинга навабдагидан энг муҳим масалалардан бири қилиб қўйдик.

Биз депутатлар халқ вакили сифатида давлатни идора қилишда қатнашаётган аномиз, халқимизнинг ҳар бир ишончи ва нақазини бақаришни шарафли бурч деб билимиз.

Мақсуда ШОРАҲМЕДОВА, Калинин районидаги Ильич номида колхоз аъзоси, область Советининг депутати.



